



Савол: Совун таркибида чўчка ёғи каби нажосатлар мавжуд деб эшитдим. Диннинг бунга ҳукми нима?

Жавоб: Таркибида чўчка ёғи мавжуд совунлар, нажосат моддалар аралашган пишлоқлар сотувда топилади. Бунинг ҳукми бир нарсанинг бошқа ҳақиқатга айланиши ва ўзгариши масаласига тааллуқли бўлади. Бу тўғрида икки имомимиз Абу Юсуф ва Мухаммадлар ихтидоф қилишган. Имом Абу Юсуфга кўра нарса ҳақиқатининг ўзгариши уни покламайди. Имом Мухаммад раъйларича бу билан нарса покланади. Чунки Шорё унга ишлатган нажосатлик сифати кетиб, бошқа нарсага айланди. Масалан хайвонлик ва ўлганлик сифати балан нажосат ҳисобланган хайвон тузга айланиш билан тохир ва пок бўлди. Чунки унинг нажосатлигига ҳукм берган ҳақиқати энди мавжуд эмас.

Мазҳаб уламолари бу тўғрида имом Муҳаммаднинг мазҳабларини ихтиёр қилишган ва фатво шунга дейишган. “Хидоя” шарҳи “Фатҳул Кодир”да шундай дейилади: “Аксар машойхлар имом Муҳаммаднинг қавлини ихтиёр қилишган. Чунки шариат нажосат сифатини ўша ҳақиқатга нисбатан ишлатди. Унинг айрим бўлақларида ушбу ҳақиқат йўқолиши билан бу ҳақиқат ҳам йўқ бўлади. Агар мазкур ҳақиқатнинг ҳаммаси йўқолсачи? Шундан қелиб чиқиб нажас бўлган ёгдан тайёрланган совуннинг пок эканлигига ҳукм қилинади.

Ибн Обидийн “Мужтаба”дан нақл қилиб шундай дейдилар: “Нажосат ёғ ишлатилган совуннинг пок эканига фатво берилган. Чунки бу ўзгаришдир. Ўзгариш эса имом Муҳаммадга кўра поклагувчидир. Балва бўлгани учун шунга фатво берилган. Ўлган ҳайвоннинг ёғи ҳукми ҳам шундай”. Сўнг “Муња”дан нақл қилиб шундай дейдилар: “Шундан маълум бўляптики, ҳайвоннинг нажосат бўлган ёғидан олинган совун, у ҳайвон чўчка ё бошқаси бўлса ҳам, покизадир. Ханафий мазҳабида ихтиёр қилинган қавлга биноан уни истеъмол қилишга шаръан монеълик йўқдир. Шампуннинг ҳукми ҳам совунникидекдир.”

Бу масалага пишлоқ, ҳамиртурушларга қўшилган оз миқдордаги нажосат ёғлар ёки моддаларни ҳам қиёс қилса бўлади. Аммо у нарсаларни ҳақиқати ўзгармаган ҳолда, айнан ўзини истеъмол қилиш жоиз эмасдир.

Шайх, қози Муҳаммад Такий Усманий шундай дейдилар: “Агар чўққадан ажратиб олинган модданинг моҳияти қимёвий йўл билан ҳақиқати батамом ўзгартирилиб, бошқа нарсага айлантирилган бўлса, унинг ҳаромлиги ва нажосатлиги йўқолади. Агар ҳақиқати ўзгармаган бўлса, ҳаромлик ва нажосатлигича қолади. Чунки ханафийлар наздида ҳақиқатнинг ўзгаришининг поклик ва ҳаромликнинг кетишида таъсири бордир” (Аллоҳ билувчидир).

Алишер ТУРСУНОВ,
Имом Бухорий номидаги
Тошкент Ислом институти мударриси